

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 115 (10.420)

2005 ЙИЛ 15 ИЮНЬ

ПРЙТАХТНИНГ
бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кўсқалар

● **КЕЧА** Йўлдош Охунбоев номидаги Республика тиббиёт коллежида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ташкил этилган ўқув курси битирувчиларига сертификатлар топширилди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар Гематология ва қон қуйиш институтида уюштирилган тадбир 15 июнь — Халқаро донорлик кунига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Чилонзор туманида туман ҳокимлиги ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

● **АЙНИ** кунларда "Шодлик", "Истиклол" маҳаллаларида Учтепа туман ёшлари иштирокида "Камолот" ЁИХ туман кенгаши, Жаҳон тиллари университети талабалари ҳамкорликларида ташкил этилган "Тилларни ўрганамиз" дарслари давом этмоқда. 4 июндан бошланган ушбу тадбир 4 июлгача давом этади.

● **БУГУН** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ташаббуси билан 12-18 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов "Карнай наъраси" деб номланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва
ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Дастурни ижро этиш бўйича тузилган ишчи Комиссия томонидан бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларининг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қўйилган вазифаларга мувофиқлиги танқидий таҳлил қилинди. Жойларда бозор ислоҳотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўқсинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган Қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг аҳоли ўрганилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Ҳукумат қарорларининг, идоравий норматив ҳужжатларнинг янги лойиҳалари рўйхати тузилган бўлиб, улар тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти олий органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар даражасида тасдиқланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати (1-иловага мувофиқ);

янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ўзгариши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастурини ижро этиш бўйича қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (3-иловага мувофиқ) қабул қилинганлиги ва амалда рўёбга чиқарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Давоми 2-бетда.

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИШ БЎЛМАЙДИ

Андижон аҳли тинч ҳаётини бузган қуролланган жиноятчилар гуруҳининг гайриқонуний ҳаракати юзасидан пенсионер Анфим Хлизовнинг «Ҳидирмалар тарқатишдан мақсад нима?» мавзусидаги хатида кишини жиддий ўйлантирадиган саволларга жавоб изланган. Зеро, чет эл матбуоти ҳамон Андижон воқеалари ҳақида турли-туман уйдирма бўхтонларни тарқатишдан чарчамаяпти. Матбуотдаги бундай сохта баёнотлар мақоралар билан танишар экансиз беҳитийёр ҳайрон қоласиз. Ўз-ўзидан сизда бу уйдирмалардан мақсад нима? Бу бўхтонларнинг тағида нималар ётибди, деган саволлар пайдо бўлади.

Сохталикнинг умри қисқа. Халқ одил, ким яхши, ким ёмон барчасини ўз тарафига солади, ўлчайди, билиб, кейин хулоса чиқаради. Вақти келиб ҳамма нарса жой-жойига тушади. Уйдирмачиларнинг юзлари шувит бўлади. Ҳақиқат қарор топади. Бугун эса республикамиз аҳли бўлаётган ахборот ҳуруқларига ўз норозилик сўзларини айтишяпти.

Омина КАРИМОВА,
Низомий номидаги
Тошкент Давлат Педагогика университети профессори.

—Ҳақиқий дўст инсон бошига кулфат тушганда билинади. Унинг қайғусига шерик бўлади. Андижон воқеаси яна бир бор қўзимизни очди. Кимнинг қандай ниятда эканлигини синовдан ўтказдик.

Бизнинг азалий одатимиз шунақа, ҳаммиса ўзгалар дарадига шерик бўлиш, қувончидан қувонч қон-қонимизга сингиб кетган. Лекин бошимизга ғам-андух тушиб турганда баъзи «дўстларимиз»нинг бизга елкадош бўлиш ўрнига, Андижон воқеалари ҳақида тарқатилаётган турли хил

бўхтон ва уйдирмаларга ўз муносабатини билдирмай, воқеалар ривожини орқаваротдан кузатиб туришлари ҳар биримизни таажубга солмоқда.

Албатта, ҳар ким томига ёққан қорни ўзи қурайди. Биз бунга қодирмиз. Экстремистларнинг ҳар қандай хуружига қарши мардларча курашадиган, керак бўлса, Ватан ҳимоясини йўлида, жонини фидо қилишга тайёр турган мард ўғлонларимиз бор. Шундай жасоратли халқи ва фарзандлари бор ўлч ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Афсуски, шунақа қалитиз вазиятлар пайтада ҳеч бўлма-са сенга дўстман деб қўл тутганлар ҳолисилик томонидан туриб, бир оғиз сўз билан қўлгинггни кўтар-маса галати туюларканда.

Очигини айтганда, Андижон воқеалари қатор хорижий оммавий ахборот воситаларининг долзарб мавзусига айланди. Улар томонидан тарқатилаётган турли бўхтондан иборат бўлган ахборотлар террорчилар ва уларнинг маддоҳлари учун минбарга айлан-ди. Нахотки, йўқдан бор қиладиган, пашшадан фил ясайдиган ахборот олами-нинг «билимдонлари» ўша хунрезликлар вақтида ўн гулдан бир гули очилмаган, умри бевақт қазон бўлган юрт ўғлонларининг ота-оналари тўкаётган аламли кўз ёшларига, уларнинг изтироб тўла бўлган воқеаларни рўй-рост ҳижоа қилиб берган баёнотларига ҳам мутлақо эътибор бермасалар? Ахир уларнинг ўзлари ҳам балки онадир, отадир, фар-

зандининг меҳрибон дилкашидир. Агар (ҳеч кимнинг бошига солмасин) бу воқеалар уларнинг ўзлари ва юртларида содир бўлганида қай аҳволга тушардилар, болоқаздан жафо чекиб турган бир вақтларида ўзгалар бу масалага тескарича ёндошиб турса нима дердилар? Ҳа, аслида ҳам «пичоқни олдин ўзинга ур, оғримаса бировага ур» деган мақоланинг туб-тубида мана шу маъно ётади. Ёлгондан эл қўқармайди, инсон ниятига етолмайди. Вақти келиб ҳақиқат ўз исботини топади. Бунга ўша маддоҳлар яхши тушуниб олишлари керак.

Кунга кеча газеталарда эълон қилинган «Ҳидирмалар тарқатишдан мақсад нима?» деган мақола билан барча қатори мен ҳам танишиб, шунингдек, Андижон воқеалари хусусидаги юртдошларимизнинг чиқишларини ўқиб, дилимда пайдо бўлган юқоридаги фикрларни каламага олдим. Ўзбекистон деб аталмиш бу юртда иймони бут, эътиқоди мустаҳкам одамлар ашайди. Улар ҳеч қачон, ҳеч кимга бўйин эгмаган ва ёғмайди ҳам.

Давоми 2-бетда.

XXI аср
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Фарғона шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежида вилоят умумтаълим мактаблари директорлари ва жисмоний тарбия ўқитувчилари иштирокида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси вилоят бўлими орқали Ўзбекистон Президенти совғаси — гандбол, баскетбол, волейбол, футбол тўплаидан иборат коптоқлар тўплами топширилди.

● Андижон вилоятининг Пахтабод туманида «Ўздунробита» мобил алоқа компаниясининг 2000 абонентга мўлжалланган янги базавий станцияси иш бошлади.

● Тошкент вилояти пиллақорлари қабул пунктларига 1140 тоннадан ортиқ сифатли «қумуш тола» етказиб бериб, йиллик топшириқни республикада биринчи бўлиб бажардилар.

● Наманганда пиллани қайта ишлаш корхоналари билан тузилган йиллик шартномавий режа удаланди.

● Бухоронинг қоровулбозорлик чўлқувларни давлатга дон сотиш шартномавий режасини ошириб бажардилар. Хирмонга 10 минг тоннадан зиёд дон тўқилиб, ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерга етди.

● Янгиер шаҳрининг «Бинокор» маҳалласида замонавий, ҳар томонлама қулайликка эга гузар фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Москвага таширф буюрди. Блэрнинг бу сафари июль ойининг бошида Шотландияда ўтказиладиган (Катта саккилик) саммити олдиндан мўлжалланган масалада учрашуви деб баҳоланмоқда.

● «Интерфакс» ахборот агентлигининг маълум қилишича, Бишкекда номаълум шахслар Қирғизистон президентлигига номзод бўлган ва айни пайтда президент вазифасини бажарувчи Курманбек Бакиев марказий штабининг кўриқчиларига ҳужум уюштиришди. Маълумотларга кўра, ҳужум кечаси соат 2-3 лар атрофида амалга оширилган. Қирғизистон Миллий хавфсизлик хизмати уларнинг шахсини аниқлаш тадбирларини кўрмоқда.

● Ироқда Франциянинг Liberation газетаси мухбири Флоранс Обени асирликдан озод бўлди. Флоранс Обени ва унинг ироқлик таржимони шу йилнинг 5 январиде Бағдоддан ўғирлаб кетилган эди. Айни дамда улар ўз оиласига қайтишган.

● Хитойнинг Хэйлунцзян провинциясида юз берган табиий офат тўғайли 200 киши ҳалок бўлган. Маҳаллий метеорологлар Хитойда охириги 200 йил ичида бундай ёғингарчилик содир бўлмаганини маълум қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислох қилиш ҳамда маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш комиссияси (Р.Азимов):

белгиланган муддатларга мувофиқ 1-иловадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқиши ва келишиб олинишини таъминлаш ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат ҳокимияти олий органлари ва Ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим қилсин;

ушбу Фармонда кўзда тутилган янги Қонунлар лойиҳалари тайёр бўлишига қараб уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳомадасига киритсин;

ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга оширишнинг аниқ-пухта механизмларини албатта назарда тутсин;

зарур ҳолларда, иқтисодий ислохотларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига қўшимчалар киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

мазкур Фармонга мувофиқ қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ихро этилишини қаттиқ назорат остига олсинлар;

ўз даражаларида қабул қилинадиган норматив ҳужжатларнинг мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва Ҳукуматга киритиш таомилидан ўтиши устидан мониторинг ўрнатсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юридик экспертизадан ўтказилишини, шунингдек ушбу Фармонда кўзда тутилган идоравий норматив ҳужжатлар белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминласин;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг норматив ҳужжатларини қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари устидан назорат ўрнатсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қабул қилинган қонун ҳужжатларининг барча даражаларда амалда рўйбга чиқарилишини таъминласинлар, токи умуман мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир фуқароси амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг аниқ ижобий натижаларини ҳис этсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 14 июнь

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказида озиқ-овқат, гўшт-сут санояти, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлашни ривожлантириш салоҳиятининг тақдими ўтказилди. Унда мамлакатимиз ва хориждан савдо-санаят доиралари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда мамлакатимизда хориж сармоядорлари фаолияти учун барча қулай шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ, тўғридан-тўғри хусусий хориж сармоясини жалб этаётган корхоналар асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига маж-

бурий ажратмалар тўлашдан 3 йилдан 7 йилгача озод этилади.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида улкан салоҳиятга эга. «Ўзмевасабзавотузумсанаят-холдинг» компанияси раиси А.Аюпов меҳмонларга мамлакатимиз мева-сабзавот санаятининг сармоявий ва экспорт имкониятлари тўғрисида сўзлаб берди.

Юртимизда 260дан зиёд қишлоқ ҳўжалиги корхонаси, 15 минг фермер ҳўжалиги ҳамда тўрт юздан зиёд санаят корхонаси мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган. Ўтган йили салкам 83 миллион АҚШ доллари тенг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

1996-2004 йиллар мобайнида Ўзбекистон мева-саб-

Давоми. Боши 1-бетда.

**Собир КОМИЛОВ,
Аҳмаджон Назаров номли маҳалла оқсоқоли:**

—Ёшлигимдан матбуотга қизиқаман. Ундаги хабар ва мақолаларни қизиқиб ўқийман. Қолаверса, катта бир маҳалланинг оқсоқоли сифатида юртимизда рўй бераётган турли-туман янгиликлар, воқеалардан хабардор бўлишим, уларни маҳалла аҳли эътиборига етказиб туришим керак.

сўзлагил, деган гап бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Биз ҳаммиса бўхтондан қочиб, рост гапиришга ўрганган халқмиз. Бўхтоннинг эса умри қисқа. Хуллас, Андижон воқеалари бизни яна бир бор хушёрликка ундади. «Ўз уйинг, ўз маҳалланг, ўз юртингни ўзинг асра», деган широнинг нақадар ҳаётгиллигини яна бир бор исботлади.

**Турсунжон ҚОБИЛОВА,
кўп болали она:**

— Ёши улуг инсон сифатида матбу-

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди

ОЙНИ ЭТАК БИЛАН ЁПИБ БЎЛМАЙДИ

Куни кеча матбуотда «Уйдирмаларни тарқатишдан мақсад нима?» сарлавҳали мақолани ўқидиму, ундаги саволлар мени анча ўйлантириб қўйди. Чиндан ҳам, бугун Андижон воқеалари барчанинг диққат-марказида турибди. Айниқса бу ҳақдаги хорижий оммавий ахборот воситаларининг далилларни бузиб кўрсатишдан иборат бўлган, турган-битгани бўхтон мақолалари ҳар қандай кишини ранжитади. Бу ҳақда ва юқорида номи зикр этилган мақола юзасидан маҳалламизда бўлиб ўтган йўналишда ҳам кўп ва хўб гапирилди. Маҳалладошларимиз бу чиқишларида мақола хусусида ўз муносабатларини билдиришди. Чет эллик журналистларнинг қилмишларини қоралашди. Кўриниб турибдики, «билимдон» журналистларнинг ушбу бўлмағур ахборотларни тарқатишларидан мақсад — Фарбдаги ўқувчи ва тингловчиларнинг қўлоғига бўхтон ва уйдирма маълумотларни қўйишдан иборат.

Келинг, бир мушоҳада этиб кўрайлик. Қани айтингчи, нега бу уйдирмачилар «тинч намойиш» деб тус бераётган тинч намойишига чиққан одамлар ярим тунда қўлга қурол ушлаб кўчага чиқади-ми? Ўқотар қуролларни қўлга киритиш мақсадида ўз вазифасини ўтаётган аскар ва милиция ходимларини отиб ташлаб, болалар ва тинч аҳолини гаровга оладими? Маданият ўчоғи бўлган театр биносини ёқиб, вилоят кўрки бўлмиш ҳокимлик биносини тажовуз билан қўлга киритиб, у ерда истаганча тартибсизликларни амалга оширадими, деган саволларни ўз олдларига қўйишмайди.

Биз ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўрганганимиз. Шундай экан, бу хунрезликлар «тинч намойиш» эмас, балки, бориб турган ашаддий террор эканлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Террорга эса ҳаммиса қарши жавоб берилган. Бошинга қилич келса-да, рост

отда эълон қилинган тошкентлик пенсионер Анфим Хлизовнинг мақоласи мени ҳам диққатимни ўзига тортиди. У Андижон воқеалари ҳақида куйиниб ёзади. Хунрезликлар хусусида уйдирмалар тарқатишдан чарчамаётган журналистларга очикдан очик қарши чиқади. У ҳатто сиёсий ўйинлардан ва сиёсатдан йироқ одамга ҳам аёнки, хорижий оммавий ахборот воситаларида олдидан пухта режалаштирилган, Ўзбекистон ва унинг раҳбариятини курақда турмайдиган гуноҳлар билан айблашга қаратилган ялпи ҳужум бошланган эди, дея таъкидлади. Ҳақиқатдан, бу хабарлар билан танишиш давомида уларнинг аниқ манбаи кўрсатилмагани, далиллар бир-бирига уланмагани, воқеалар ривожини узвий эмаслиги кўринади. Мақсад эса битта: бўхтон ва уйдирма тарқатиш.

Албатта бундай бўхтонлар ҳар қандай онгли кишининг ғазабини кўзгайди. Муаллиф ўз хатида бир нечта жумбоқли саволларни ўртага қўяди. Масалан, «шунча одамни мажруҳ қилган ва ҳаётига зомин бўлган бу мудҳиш «ўйин» террорчилик ҳуружи кимга керак ва ундан кимлар манфаатдор эди?

Ўзбекистон халқининг танлаган дунёвий ривожланиш йўли, мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган демократик ва бозор ислохотлари кимга ҳуш келмаяпти? Бир-бирига занжир сифатида чамбарчас боғланиб кетган бу саволларга дафъатан жавоб топиш қийин. Уйдирмалар ўз йўлига. Лекин вазиятни била туриб айрим сиёсатчиларнинг мастбўхтондаги тарқатган бўхтонларни дабтак қилиб вазиятни нотўғри баҳолаб Ўзбекистонни ёмон ортиқча чиқараётганини қандай сўз билан ифода этиш мумкин?

Гапираверсак гап кўп. Лўндаси шуки, мухтарам Юртбошимиз айтганларидек, ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.

завотни қайта ишлаш тармоғига 100 миллион АҚШ долларига яқин хориж сармояси жалб этилди.

Тадбир иштирокчилари, шунингдек, Ўзбекистонда гўшт-сут, ёғ-мой, паррандачилик тармоқларининг сармоявий имкониятлари, соҳада амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнлари, сармоявий лойиҳаларни банклар томонидан ҳамда лизинг асосида молиялаштириш тартиблари тўғрисидаги маълумотлар билан танишди.

Ўзбекистон Савдо-санаят палатаси томонидан мамлакатимизнинг Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Италия, Корея Республикаси, Латвия, Нидерландия, Россия, Франция, Хитой, Япония ва Хиндистондаги элчихоналари билан тақдимот иштирокчилари ўртасида видеоконференция ташкил этилди.

Ўзбекистонлик ва хорижлик тадбиркорлар тўғридан-тўғри телемулоқот йўли билан ўзаро ҳамкорликка оид масалаларни муҳомада этди.

Тадбир иштирокчилари бу ерда очилган озиқ-овқат санаяти маҳсулотлари кўргазма-ярмаркасини кўздан кечирдилар. Мамлакатимиздаги қатор корхоналар фаолияти билан танишдилар.

Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

Тошкентда «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси акционерларининг 2004 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва келгусидаги ривожланиш истиқболларига бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»: ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Уни Ўзбекистон Республикаси Бош азияри ўринбосари, «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси кузатув кенгаши раиси А.Орипов ошди. Йиғилишда таъкидландики, телекоммуникациялар — ахборот технологияларининг муқобил тизими бўлиб, замонавий жамият ҳаётида катта роль ўйнайди, унинг ривожланишини жаддалаштириш ҳамда жаҳон ахборот ҳамжамиятига муваффақиятли интеграциялашувини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳукуматимиз ахборот-коммуникация технологияларига катта аҳамият беради экан, бу борада республикада ахборот-коммуникация технологиялари ривожини жаддалаштиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бу ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши кўсқа муддат ичида Интернетдан фойдаланувчилар сонини бир неча марта кўпайтириш, компютерлаштириш жараёнини жаддалаштириш, шунингдек, аҳолига турли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун шарт-шароит яратилади.

2004 йилда «Ўзбектелеком» бўлими асосий фаолият туридан 106,2 миллиард сўм даромад олди. Тариф даромадлари даражаси 2003 йилга нисбатан 26,2 фоиз ортди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 16,8 фоизга кўгайди. Ҳисобот даврида 17,2 миллион АҚШ доллари миқдориди алоқа хизматлари экспорт қилинди. Соф фойда 911,3 миллион сўми ташкил этди. Молиялашнинг барча манбалари ҳисобига 82 миллиард сўмдан ортиқ инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса 2003 йилдагидан деярли беш баравар кўп дмақдир.

«Ўзбектелеком» компанияси Марказий Осиёда телекоммуникация соҳасидаги энг йирик операторлардан бири ҳисобланади.

Компаниянинг телекоммуникация тармоғи 1,9 миллиондан ортиқ номерни ўз ичига олган 2000 АТСдан иборат бўлиб, уларнинг 38,5 фоизи — рақамли. Компания истиёрдада минглаб километр кабель ва радиореле линиялари бўлиб, уларнинг катта қисмини оптик толали алоқа линиялари ташкил этади ва улар бугун Ўзбекистон ҳудудини қамраб олади.

Компания ва унинг 21 мингдан ортиқ ходим ишлайдиган 19 та бўлими замонавий телекоммуникация технологияларидан фойдаланиб, бозорга овозли алоқа, маълумотлар узатиш, турли телекоммуникация каналларини ижарага бериш, теле ва радио дастурларини узатиш, Интернетга улашиш каби кўпгина хизмат турларини тақлиф этмоқда.

Компания 28 йўналишда тўғридан-тўғри дунёнинг деярли барча мамлакатларига чиқа оладиган халқаро телекоммуникация каналларига эга. Бундай имкониятларнинг мавжудлиги унинг янада жаддал ривожланиши учун асос яратади.

Ҳукумат томонидан қўрилатган чора-тадбирлар «Ўзбектелеком»нинг мамлакат телекоммуникация тармоқларини ўзгартиришнинг ҳозирча ва истиқболли катнашиси сифатидаги позицияларини мустаҳкамлайди. Бугун компания олдида турган энг муҳим вазифа хўжалиқлаштиришнинг янги асос, стратегик ҳорижий инвесторларга ўз акцияларининг 49 фоизини сотиш бўйича тендер ўтказишдир.

Йиғилишда дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорлар, компаниянинг 2005 йилги бизнес-режаси, танлов асосида танланган компания аудитори, кузатув кенгашининг янги таркиби қўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА мухбири

ХИТОЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИННИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 25-27 май кунлари Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу ташриф чоғида икки мамлакат раҳбарлари Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномага имзо чекдилар.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасида кўплаб соҳалар бўйича ўзаро ҳамкорликка оид йиғирмадан ортиқ ҳужжат қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Хитой Ахборот саноати вазирлиги ўртасида имзоланган алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим ҳам бор.

Икки мамлакатнинг ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари эришилган ана шу келишувларни ҳаётга ижтисодий татбиқ этиш борасидаги ҳамкор-

ликни янада ривожлантиришмоқда.

14 июнь кунин мамлакатимизга Хитой Халқ Республикаси ахборот саноати вазирлигининг ўринбосари Си Гоха раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт вазирини Рустам Азимов билан учрашдилар. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Хитой ўртасида икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтиришга оид масала-

лар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов билан музокарада эса икки мамлакат ўртасида телекоммуникация, ахборотлаштириш ва рақамли технологиялар соҳасида сармоявий ҳамкорлик ривожини, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини доирасида тезкор ахборот магистралини яратиш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги би-

лан Хитой ахборот саноати вазирлиги ўртасида қиймати 1 миллион 974 минг АҚШ доллариға тенг шартнома имзоланди. Бу ҳужжат Тошкент ахборот технологиялари университетидида ўқув марказини очиб, мазкур университетга техникавий ёрдам кўрсатиш, ҳамкорликда кўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда қисқа ва узок муддатли ўқув курсларини ташкил этишини кўзда тутди. Шунингдек, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси билан «Alcatel-Shanghai Bell» компанияси ўртасида Тошкент шаҳрида телекоммуникация тармоқларини тақомиллаштириш ва кенгайтириш тўғрисида шартнома имзоланди. Ҳужжатга мувофиқ пойтахтимизда 78 минг сифимга эга бўлган телефон станциялари очилади.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

2001 йил 15 июнда Хитойнинг Шанхай шаҳрида ўтган саммитда Ўзбекистон, Россия, Тожикистон, Хитой, Қирғизистон ва Қозоғистон раҳбарлари ШХТни тузиш тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Таъкидлаш жоизки, ўша даврга қадар ташкилот «Шанхай бешлиги» деб аталар ва унинг вазифаси беш мамлакат - Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги чегара масалаларини ҳал этиш билан чекланган эди. Ўзбекистоннинг бу давлатлар сафига қўшилиши «бешлик»нинг кенг қамровли ҳамкорлик ташкилотига айланишида муҳим роль ўйнади.

2002 йил 7 июнда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкилотнинг бош ҳужжати - Хартия (низом) қабул қилинди. Шундай қилиб, ШХТ етук ташкилот сифатида юридик мақомга эга бўлди.

2003 йил 29 майда ШХТнинг Москва саммитида ташкилотнинг Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳукумат раҳбарлари кенгаши, шунингдек, ташки ишлар вазирлари, миллий мувофиқлаштирувчилар, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кенгашлари тўғрисидаги низом тасдиқланди. 2004 йилнинг январиди Пекинда ташкилот Котибиятини, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитасини ишга туширишга қарор қилинди. Шу йил сентябрда Ҳукумат раҳбарлари кенгаши қарори билан савдо-иқтисодий соҳада кўп томонлама ҳамкорликнинг узок муддатли дастури ҳам ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ташки сиебат, иқтисодиёт, савдо маҳкамалари ва хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам мулоқотлар йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида ШХТ тўла ҳуқуқли ташкилотга айланди. Амалга оширилган кўплаб ишлар унинг юксак нуфузи ва улкан салоҳиятидан далолатдир.

ШХТ доирасидаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг унга аъзо мамлакатлар билан иқтисодий интеграциялашувиди янги имкониятлар эшигини очди. Хусусан, Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши мамлакатимизнинг Европа ва Жануби-шарқий Осиё минтақалари билан алоқаларининг янада кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятидан, транспорт коммуникацияси ва сармоя борасидаги имкониятларидан ШХТ доирасида фойдаланиш Ўзбекистон учун кўплаб қўлайликлар яратиши шубҳасиздир.

Айни пайтда Россия ва Хитой ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги

муҳим давлат сифатида қарайди. Улар ШХТ минтақасидаги интеграция жараёнларини ривожлантиришда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутшини инobatга олади ҳамда мамлакатимизнинг ташкилот доирасидаги фаол савб-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

ШХТ фаолиятининг иккинчи асосий йўналиши хавфсизлик соҳасидир. Ўзбекистон бу борада ҳам ташкилотнинг имкониятларидан кенг фойдаланмоқда.

ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ташкил этилиши тинчлик ва барқарорликни таъминлашда самарали минтақавий ҳамкорлик учун қўлай шариот яратди. Ўзбекистон ҳуқуқ-

гини алоҳида таъкидлади.

2004 йил 1 январдан Тошкентда иш бошлаган ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси мазкур тахдиладарга қарши курашда аъзо мамлакатлар ҳуқуқтартибот ва хавфсизлик органларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштирувчи ҳамда улар ўртасида тезкор ахборот алмасувини таъминлашга хизмат қилувчи тузилмадир.

2005 йил 30 мартда ўтган ШХТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисида террорчилик, айирмачилик ва экстремизм ташкилотга аъзо давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигиға ҳамон жиддий тахдид қўлаётгани қайд этилди. Ушбу муаммоларга қарши курашда зарур ҳуқуқий асосларни шакллантиришни давом эттиришга оид масалалар бўйича қатор қарорлар қабул қилинди.

ШХТ нафақат хавфсизликни таъминлашга, балки минтақавий иқтисодий тараққиёт учун хизмат қиладиган ташкилот ҳамдир. Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг 2003 йил сентябрда Пекинда ўтган мажлисида кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича илк дастур имзоланганди. Унда транспорт инфратузилмаси, энергетика соҳасини ривожлантириш, аэроф-муҳитни ҳимоялаш ҳамда ичимлик суви муаммосини ҳал этишдаги ҳамкорликка оид вазифалар ўз ифодасини топти.

Бу масалалар Тошкент саммитида ҳам муҳокама марказида бўлди. Томонлар ўзаро савдо алоқалари кўламини янада кенгайтиришга келишдилар.

Ислам Каримов учрашувда Марказий Осиё Умумий бозорини яратиш тўғрисидаги таклифини илгари сурди. Зеро, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотини тузган минтақавий мамлакатларининг бу максдага эришишида уларнинг Россия ва Хитойдек қудратли давлатлар билан ШХТ доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириши муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент саммити самарали ўтди. Унинг якунлари бўйича ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент декларацияси, ШХТнинг ваколатлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенция, наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айлинишига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

ШХТ доирасидаги бундай келишувлар мамлакатимиз хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга, айниқса халқаро террорчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, савдо-иқтисодий йўналишдаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Шанхай ҳамкорлик ташкилотини (ШХТ) доирасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз ташки сиебатининг муҳим йўналишларидандир. Ҳукуматимиз бу ташкилотга аъзо давлатлар билан хавфсизлик соҳасидаги ва савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

тартибот ва хавфсизлик идоралари ташкилотга аъзо мамлакатлардаги ҳамкасблари билан яқиндан мулоқот қилиш ҳамда мавжуд муаммоларини ҳал этиш бўйича ахборот ва тажриба алмашишда янги имкониятларга эга бўлди.

Мазкур тузилма Ижроия қўмитасининг Тошкентда жойлаштирилгани эса мамлакатимизнинг халқаро террорчиликка қарши курашдаги фаол иштирокчи сифатидаги мавқеини янада мустаҳкамлади.

2004 йил 17 июнда ўтган ШХТнинг Тошкент саммити ташкилот фаолиятидаги муҳим босқич бўлди. Унда бир қанча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

Олий даражадаги мазкур учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлашга оид масалалар, хусусан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, унинг иқтисодий инфратузилмасини биргаликда тиклаш юзасидан фикр алмашилди.

Бугунги кунда дунёда халқаро террорчиликнинг кучайиб, янги шакллар касб этаётгани сир эмас. Жумладан, ядровий, биологик, электрон, кимёвий қўпоровчиликлар хавфи ошмоқда. Террорчилик ва гиёҳванд моддалар савдоси бир-бириға узвий боғлиқ экани аён бўлди. Бу тахдидларнинг барчаси ШХТ доирасида биргаликдаги ҳаракатларни кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Президент Ислам Каримов учрашувда террорчиликка фақат куч билан жавоб бериш билан қифояланиб бўлмаслигини, одамлар онгини захирайдиган, террорчиликни молиялаштирадиган марказларга қарши кескин курашиш кераклигини, бу кураш сиебий, ижтимоий-иқтисодий мезонларни ҳам қамраши даркорли-

— Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 527-сонли «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор вазифаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳам фикримиз далилидир. Мазкур қарорлар ижросини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан шахримизда 2004 йил давомида оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш, шаҳарда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш борасида муайян натижаларга эришилди. 2005 йилда Дастурда белгиланган барча ишларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида кўшимча чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Дилором Маҳмадалиева. — Ҳозирда шаҳар аҳолисининг 1120847 нафарини аёллар ташкил этиб, улардан 490326 нафари туғиш ёшидаги аёллардир. 2005 йил биринчи чораги давомида фертил ёшидаги аёлларнинг 45,1 фоизи тиббий кўришдан ўтказилди. 57,7 фоиз аёлларда Экстрагенитал касалликлар аниқланди ва улардан 81,6 фоизи соғломлаштирилди. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида 2005 йил биринчи чораги давомида барча туғруқ мажмуалари ва оилавий поликлиникаларга контрацептив воситалардан 24000 дона «Гешдеон Рихтер» фармацевтик ташкилоти томонидан муруват ёрдами сифатида олинди. Аёллар ва ўсиб келаётган ёш авлод соғлигини яхшилаш йўлидан амалга оширилган ишлар натижасида ушбу давр мобайнида оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан камайди. Шунингдек, ўсмир ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари ва академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида «Соғлом турмуш тартиби» асослари ва оила», «Репродуктив саломатлик ва соғлом оила» мавзуларида махсус ўқув курслари ташкил этилди. Жумладан коллеж ва лицей ўқувчиларининг тиббий билимини ошириш мақсадида ўқитувчилардан 305 та, мактаб ўқитувчиларидан 25 та волонтерлар тайёрланди. Шахримиздаги мавжуд мактабларда 365-қарорнинг моҳияти, «Балоғат

неонатал парвариш», «Кўкрак сути билан овқатлантириш», «Касалхоналар ташаббуси — болаларга меҳрли муносабат» шулар жумласидандир. Шунингдек, юқори малакали ихтисослаштирилган диагностика ва даволаш профилактика ёрдамида ҳамда оилавий поликлиника шифокорлари учун ўқув услубий ёрдамни ташкил этиш мақсадида (№ 5, 6, 10-) туғруқ мажмуалари қошида маслаҳат-ташхис поликлиникалари ташкил этилди. Шу билан бирга туғруқ мажмуаларида, соматик касалхоналар қошида «контрацепция» хоналари очилиб, ушбу хоналарда аёллар ва ёш оилаларга бепул равишда контрацепция, туғиш масалалари бўйича тиббий маслаҳатлар ва турли хилдаги контрацепция воситалари берилди. Барча фертил ёшидаги аёлларга, ушбу касалхоналарда даволанаётганларга республиканинг қайси вилоятида яшаيدан қатъий назар хизмат кўрсатилади. Ушбу семинарларда психоневролог, нарколог, СПИД, сил, тери-таносил касалликлари бўйича бош мутахассислар, ўсмирлар репродуктив маркази ходимлари иштирок этишди. Гематология ва трансфузиология хизматини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан Ўзбекистон Республикасида ягона, юридик статусга эга бўлган шаҳар «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш уюмисига негизда ташкил топган «Шаҳар Гемостазиология маркази» 2003 йил 26 июнда ўз фаолиятини бошлади. Ушбу марказ зарур тиббий техника аппаратлари билан жиҳозланмоқда. Шу йил бошидан буён марказда 10 нафар акушер-гинеколог, 2 нафар анестезиолог ва реаниматологлар гемостазиология соҳасида ўз малакасини оширдилар. Бундан ташқари туғруқ мажмуалари фаолиятини яхшилаш ҳамда туғруқ бўйича юқори сифатли ёрдам кўрсатиш мақсадида замонавий технология ва халқаро лойиҳа қиритилди: «Бехатар оналик, акушер ва

яшайдан қатъий назар хизмат кўрсатилади. Шунингдек, фертил ёшидаги аёлларнинг профилактика кўриги тизимини такомиллаштирилди. Яъни турар жойларида ҳамда соматик ва болалар касалхоналарида даволаниши йўлга қўйилди. Туғруқ мажмуалари ва ФХД бўлимлари билан узвий боғлиқлик ўрнатилди. Оналарни туғруққа тайёрлаш, болани кўкрак сути билан озиқлантириш, янги туғилган чақалоқни парваришлаш учун «Оналар мактабининг» янги программаси киритилди. Хусусан, оналик ва болалик тизимида фаолият юритувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш учун доимий тренинг олиб бориш мақсадида «Оналик ва болалик тизимида фаолият юритувчи тиббий ходимларнинг касбий маҳорат программаси», амалиётга таъдиқ этилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Соғлом халқ, соғлом миллатга» зукор ишларга қодир бўлади». Бу, халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли мақсадда халқаро лойиҳа қиритилди: «Бехатар оналик, акушер ва




Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасида ҳам беморлар соғлигини тиклаш, уларга самарали хизмат кўрсатиш, тез ва аниқ ташхис қилиш ва даволашнинг самарали усуллари амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мазкур клиник шифохонада 560 нафардан ортиқ шифокору ҳамширалар, ходимлар инсон саломатлигини тиклаш йўлида беминнат измат қил... ти. Шулардан 200 нафарини ҳамширалар ташкил қилади. Шифохонада терапия, кардиология, травматология, неврология, гастроэнтерология, реанимация каби 11 та асосий бўлим ва яна кўшимча 6 та ёрдамчи бўлимлар фаолият кўрсатиб турибди. — Шифохонамизда беморларни соғлигини тиклаш учун етарлича шарт-шароитлар яратилган — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонаси бош шифокори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, ревматолог Элимира Боситхонова. — Мен шу ерда 25 йилдан бери хизмат қилиб келаяман. Дастлаб ишни оддий анестезиологикдан бошлаганман. Сўнгра анестезиолог-ревматолог, 11 йил шу йўлда мудир 2002 йилдан бош... эса бош шифокор бўлиб ишлаяман. Шунча йиллик

иш фаолиятим, тажрибамдан келиб чиқиб шунга айтишим мумкинки, мамлакатимиздаги ҳар қандай

нида 15.000 нафардан ортиқ бемор даволаниб дардларидан фориғ бўлиб кетадилар. Мақсади-

бўлимларини айланар эканмиз, бўлимларнинг озодлигига, ходимларнинг беморлар билан қилаёт-

бевозта қилиб туради. Бу ердаги ходимлар ҳушмуомала, ширинсўз шунинг баробарида ниҳоятда тажрибали. Айниқса бўлим бошлиғи, олий тоифали шифокор Муқаддас Саидқабарова ўз ишининг билим-дони, беморларга ниҳоятда меҳрибон, ширин сўз — жон озиғи дейишди. Мен оиламиз ва шу ерда даволанаётган беморлар номидан уларга раҳматлар айтмаман. Илоҳим шифокору ҳамшираларнинг қўллари дард кўрмасин...



Биргина шу бўлимнинг ўзида 6 нафар тажрибали шифокор 12 та ҳамшира беморлар дардига малҳам бўлишмоқда. Шифохонада барча шарт-шароитлар қўнғилда-гудек. Шошилиш тез тиббий бўлим, лабораториялар, УЗД, ЭКГ, физиотерапия, эндоскопия, кўз, тиш касалликлари, жарроҳлик бўлимлари тун-кун беморлар хизматига шай. Шифокорнинг эгнига кийган оқ халатининг ўзи бу поклик рамзи-дан далолат беради. Истардикки, шу оппоқ халатларга ҳеч қачон доғ тегмасин. Шифокорларимиз эл-юрт дуосини олиб халқимизга астойдил хизмат қилишдан чарчама-синлар.

Гулчехра ТУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасидан лавҳалар. Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

ган ширин муомаласига қараб, қаердаки раҳбар талабчан, қатъиятли ва фидойи бўлса ўша ерда иш унмули, самарали бўлишига амин бўлдик.

Шифохонанинг терапия бўлимида бир неча беморлар билан мулоқотда бўлдик.

Раҳима ЧОРИЕВА, бемор: — Биз турмуш ўртоғим билан биргаликда даволанаямиш. Иккалаимизнинг ҳам юрагимиз, ўт пуфогимиз

миз олиб бораётган ишимиз билан муштарак. Яъни инсонлар саломатлигини яхшилаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, асосийси касалликнинг олдини олиш. Шифо масканимизда Сихат-саломатлик йили дастури бўйича режа асосида иш олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг соғлигини тиклаш йўлида хизмат қилади.

Дарҳақиқат, мазкур шифохона олиб бораётган ишимиз билан муштарак. Яъни инсонлар саломатлигини яхшилаш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, асосийси касалликнинг олдини олиш. Шифо масканимизда Сихат-саломатлик йили дастури бўйича режа асосида иш олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг соғлигини тиклаш йўлида хизмат қилади.

2005 — Сихат-саломатлик йили

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

«Эл соғлиғи — юрт бойлиги» деган нақл бежиз айтилмаган. Халқни ҳар томонлама соғлом ва бақувват бўлган элда доимо фаровонлик, тинчлик-осойишталик, тараққиёт ҳукм суради. Юртбошимиз ташаббуси билан 2005 йилнинг мамлакатимизда Сихат-саломатлик йили деб эълон қилиниши халқимиз саломатлигига бўлган ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди. Шу билан бирга «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг барчаси ҳам халқ саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилгандир. Шунинг таъкидлаш керакки, мамлакатимизда айнакча оналар ва болалар, ўсмир-ёшлар саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда.

даври» мавзусида семинарлар ўтказилди. Ушбу семинарларда психоневролог, нарколог, СПИД, сил, тери-таносил касалликлари бўйича бош мутахассислар, ўсмирлар репродуктив маркази ходимлари иштирок этишди. Гематология ва трансфузиология хизматини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан Ўзбекистон Республикасида ягона, юридик статусга эга бўлган шаҳар «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш уюмисига негизда ташкил топган «Шаҳар Гемостазиология маркази» 2003 йил 26 июнда ўз фаолиятини бошлади. Ушбу марказ зарур тиббий техника аппаратлари билан жиҳозланмоқда. Шу йил бошидан буён марказда 10 нафар акушер-гинеколог, 2 нафар анестезиолог ва реаниматологлар гемостазиология соҳасида ўз малакасини оширдилар. Бундан ташқари туғруқ мажмуалари фаолиятини яхшилаш ҳамда туғруқ бўйича юқори сифатли ёрдам кўрсатиш мақсадида замонавий технология ва халқаро лойиҳа қиритилди: «Бехатар оналик, акушер ва

яшайдан қатъий назар хизмат кўрсатилади. Шунингдек, фертил ёшидаги аёлларнинг профилактика кўриги тизимини такомиллаштирилди. Яъни турар жойларида ҳамда соматик ва болалар касалхоналарида даволаниши йўлга қўйилди. Туғруқ мажмуалари ва ФХД бўлимлари билан узвий боғлиқлик ўрнатилди. Оналарни туғруққа тайёрлаш, болани кўкрак сути билан озиқлантириш, янги туғилган чақалоқни парваришлаш учун «Оналар мактабининг» янги программаси киритилди. Хусусан, оналик ва болалик тизимида фаолият юритувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг касбий маҳоратини ошириш учун доимий тренинг олиб бориш мақсадида «Оналик ва болалик тизимида фаолият юритувчи тиббий ходимларнинг касбий маҳорат программаси», амалиётга таъдиқ этилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Соғлом халқ, соғлом миллатга» зукор ишларга қодир бўлади». Бу, халқ саломатлиги йўлида амалга оширилаётган хайрли мақсадда халқаро лойиҳа қиритилди: «Бехатар оналик, акушер ва

Дилором ИКРОМОВА

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

БЕГАРАЗ ЁРДАМ — БЕМОРГА МАЛҲАМ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Тошкент трактор заводи» тиббиёт санитария қисми бугунги кунда замонавий тиббий асбоб-ускуналарига эга бўлган шифо масканларидандир. Шунинг айтиш жоизки, бундан бир неча ой муқаддам Япониянинг мамлакатимиздаги элчионаси мазкур соғломлаштириш масканига беғараз ёрдам дастури асосида 90 минг АҚШ доллари миқдорига грант ажратган эди. Мазкур маблағ ҳисобига шифохона зарур бўлган энг замонавий ультратовуш диагности-

Мамлакатимизда «Сихат-саломатлик» йили муносабати билан кўплаб хайрли мақсадларни кўзланган тадбирлар амалга оширилмоқда.

каси учун эхокардиограф, ошқозон-касалликларига ташхис қўядиган гастродиффрактоп, қон таҳлилларини ўтказадиган ярим автоматик биохимий анализатор кўйма лазер ва реанимация бўлими учун кардиомонитор,

— Шифохонамизга олинган жиҳозлар бизнинг имкониятларимизни янада кенгайтириб, беморларга кўрсатилаётган ёрдамни юқори даражага кўтарди, албатта. Ушбу тиббиёт анжомлари беморларнинг дардига малҳам топишда қўл келади, деган умиддамиз, — дейди шифохона бош шифокори Абдумурод Бобононов. — Шунингдек бу техник асбоблар беморларни ўз вақтида текшириш, аниқ ташхис қўйиш ва даволаш имкониятини оширади.

Гулнора ШОКИРОВА

— Дилобар Тешабоевна аввало, мастопатия касаллиги қандай касаллик, шу ҳақда маълумот берсангиз?

— Мастопатия ёки бошқача қилиб айтганда, кўкрак безининг фиброз-кистоз касаллиги натижасида кўкрак бези тўқимасида бир қатор ўзгаришлар юзага келади. Мастопатия касаллигини тиббиёт тилида кўкрак бези тўқимасининг дисгормонал гиперплазияси деб айтиш мумкин. Яъни, аёл кишининг организмидека руй берган гормонал мунотаносибликлар натижасида кўкрак безида фиброз тўқиманинги ўсиши кузатилади.

Бу касаллик асосан 20-25 ёшдан 45-50 ёшгача бўлган аёлларда кузатилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда бу касаллик 50-90 фоиз аёлларда учрайди.

— Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

— Мастопатия касаллигининг келиб чиқишида асосий роль ўйнайдиган факторларга қуйидагилар кирди: наслий фактор, аёл организмидека гормонал ўзгаришлар, асаб системасининг ҳолати, трофи-муҳит экология ва албатта овқатланиш тарфи.

— Кўкрак бези касалликларининг гинекологик касалликлар билан боғлиқлиги борми?

— Кўкрак бези тўқимасидаги ўзгаришлар аёл

Хозирги кунда жуда кўп учрайдиган кўкрак бези касалликлари ҳақидаги маълумотлар кўпчилик аёлларимизни қизиқтириши табиий. Ҳақиқатан ҳам кўкрак бези касалликлари аёлларимиз орасида жуда кенг тарқалган бўлиб, бу мастопатия касаллигидир. Бу қандай касаллик, унинг келиб чиқиш сабаблари, белгилари, қай тарзда кечиши ҳақида биз Маммологик марказ раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Дилобар МИРРАҲИМОВАга бир неча савол билан мурожаат қилдик.

Кўкрак безлари шишаси, оғирлашиб, қаттиқлашиб қолади. Хайз келиши билан бу ҳол ўтиб кетади. Кўп ҳолларда аёлларимиз бу нарсага аҳамият бермайдилар, нормал ҳолат деб қарайдилар. Ваҳоланки, кўкрак безидаги бу ўзгаришлар мастопатия касаллигининг бошланғич белгиларидир. Мастопатия касаллиги кўп йиллар давомида секин-аста ривожланиб боради. Авваламбор, кўкрак бези тўқимасида қаттиқлик, сўнгра эса майда-майда тугунчалар пайдо бўлади, бориб-бориб сўргичдан шилим-шиқ суяқлик ажралиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

— Бу касалликнинг олдини олиш мумкинми?

— Касалликни эрта аниқлаш ва унинг олдини олиш учун аёл киши доимо ўзининг кўкрак безларини текшириб туриши лозим. Бунинг учун энг қулай вақт ҳайз даврининг 5-10 кунлари ҳисобланади. Текширувни ойна олдида тик турган ҳолатда ўтказиш лозим. Бунда

ЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ, АЁЛЛАР!

— Мастопатия касаллигини даволаш аёл кишининг умумий ҳолати, ёши ва касалликнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Даволаш воситалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: витаминлар, фитотерапия, ферментли препаратлар, биологик фаол қўшмалар, гормеопатик воситалар ва парhez. Бунда қаҳва, аччиқ чой, какао, шоколад, қола ичимликни истеъмол қилиши чегаралаш керак, усимлик клетчаткасига бой таъмирли истеъмол қилиш ва бир кунда 1,5-2 лит-


рдан ортиқ суяқлик ичмаслик керак. Баъзи ҳолларда индивидуал равишда, тўғри танланган кам дозали ҳомиладорлик ривожланишининг олдини олувчи препаратлар ҳам мастопатия касаллигига нисбатан ҳам даволаш, ҳам профилактик восита бўлиши мумкин. Лекин аёлларимиз шифокор билан маслаҳатлашмасдан туриб, даволаш воситаларини қабул қилишлари мақсада мувофиқ бўлмайдилар. Қандай восита билан даволашни мутахассис беморни муқамал равишда текширувдан ўтказгандан сўнггина ҳал қилади.

— Аёлларимизга яна қандай тавсиялар берасиз?

— Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, кўкрак бези касалликларини олдини олишда профилактик кўриқлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Кейн киши кўкраги оғирмаса ҳам, 30 ёшдан аёлнинг бир йилда бир марта, 40 ёшдан кейин эса бир йилда икки марта мутахассис кўригидан ўтиб туриши керак. Шу нарса аёлларимизнинг ёдида бўлиши керакки, кўкрак бези касалликлари қанчалик эрта аниқланиб, эрта даволаш бошланса, натижа шунчалик яхши бўлади ва шу тариқа, касаллик натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган жиҳдий асоратларнинг олди олинади.

Гулором ХАМИДОВА суҳбатлашди

— Шифохонамизга олинган жиҳозлар бизнинг имкониятларимизни янада кенгайтириб, беморларга кўрсатилаётган ёрдамни юқори даражага кўтарди, албатта. Ушбу тиббиёт анжомлари беморларнинг дардига малҳам топишда қўл келади, деган умиддамиз, — дейди шифохона бош шифокори Абдумурод Бобононов. — Шунингдек бу техник асбоблар беморларни ўз вақтида текшириш, аниқ ташхис қўйиш ва даволаш имкониятини оширади.



Кулинг, ёшарасиз...

«Кулги-қўй гўштининг ўрнини босади», дейишди. Туркияда кейинги вақтларда турк шифокорлари тиббиётнинг янги тармоғи бўлиш-геонтология, бошқача айтганда беморларни кулги билан даволашга катта аҳамият беришмоқда. Бу тиббиётнинг анча ёш соҳаси бўлиб, кулгининг инсон организмизига таъсирини ўрганади. Кулги билан даволашнинг асосчиси америкалик журналист Норман Казинс 70-йилларнинг бошида ўз устида «хавфли тажриба» ўтказди: бир неча ой давомида фақат комедияларни томоша қилди. Унинг айтишича кулги сеанслари натижасида сўягидека оғир хасталиқлардан қутулган, кейинчалик ўзи кулги билан даволаш кафедрасини ташкил этган.

Ҳозирги кунда АҚШда 600 дан ортиқ кулги терапиялари мавжуд. Олимларнинг айтишича, кулги дард-ни енгишда, терининг аллергик, касалликларини даволашда ёрдам беради, бўйин ва елка мушакларини бўшаширади, бош мия ва юракнинг ишини яхшилади.

Шунинг учун ҳар доим яхши кайфиятда бўлиб, кулишга ҳаракат қилинг. Аския ва латифаларни эшитинг. Умингиз узоқ бўлади.

Халқимиз саломатлигини сақлашда тиббиёт ходимларининг хизматлари беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Чилонзор туманидаги 1-республика стоматология поликлиникасида ўз касбининг малакали ходимлари, қўли енгил шифокору ҳамширалар хизматидан аҳоли мамнун. Шифокор-стоматолог Муқаддас Эргашева ҳам бир неча йилдан буён туман аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишда муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. СУРАТДА: Муқаддас Эргашева иш устида.

Биласизми?

Хурматли таҳририят ходимлари! Мен 80 ва 70 ёшдан ошган кекса ота ва онам билан бирга яшайман. Табиийки одам кексайгач, уйқуси йўқолиб, кам овқат ейдиган бўлиб қолар экан. Отам ва онам ҳозир шундай аҳволдалар. Илтимос, газетангизнинг «Саломатлик-туман бойлик» саҳифасида кексаларни қандай овқатлантириш тўғрисида маълумот берсангиз.

Тоҳир Саидмуров, хизматчи.

Сўраган эдингиз...

Кексаларни қандай овқатлантириш керак?

— Кексаларни овқатлантириш тўғрисида Абу Али ибн Синонинг «Тибб қонунлари» китобида шундай маслаҳатлар қўйд этилган. Кекса кишиларга кучли ва кучсизлигига қараб оз-оздан овқат бериш зарур. Овқат беришда унинг ҳазм қилиш қобилиятини, яъни ошқозон ҳолатини назарда тутиб, овқатларни танлаш лозим. Икки марта овқатлантирган кекса кишини ҳаммомга қиритиш ва ачинчи соатда кексаларга усул билан яхши пиширилган бўшаширади, бош мия ва юракнинг ишини яхшилади.

Кексаларга сафро ва балғамкини кўпайтирадиган ҳар қандай ғалғиз овқатларни, ўткир ва аччиқ нарсаларни бермаслик керак. Шунингдек, туз-шиларга кучли ва кучсизлигига қараб оз-оздан овқат бериш зарур. Овқат беришда унинг ҳазм қилиш қобилиятини, яъни ошқозон ҳолатини назарда тутиб, овқатларни танлаш лозим. Икки марта овқатлантирган кекса кишини ҳаммомга қиритиш ва ачинчи соатда кексаларга усул билан яхши пиширилган бўшаширади, бош мия ва юракнинг ишини яхшилади.

Шу жумладан қарияларга тез ҳазм бўладиган ёғсиз, енгил овқатлар ҳамда сўт маҳсулотлари фойдалидир.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлар...

● Мехнатни севиш, ғайрат билан, матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси — танининг саломатлиги, иккинчиси — кўнгли роҳати, учинчиси — ақл ва зехннинг ортишидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.

● Мехнатни севмаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Мехнат инсонга бахт-саодат, келтиради. Ялқовлик ва ишсизлик эса фалокат гирдобига ташлайди.

ҲИКОЯТ. Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб келар экан, бир зolim йўлтўсар унинг балиқларини тортиб олади ва уради. Балиқчи бундай дуо қилди: «Ё раббий, мени заиф, уни қувватли яратдингки, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Ё раббий, сен ҳар нарсага қодирсан!».

Зolim балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтанок тиқилди. Нафас ололмади қолди. Табибларга югуриб даво тополмади. Кечга яқин Аллоҳга ёлворди. Зolim тушида: «Фалон одамнинг ҳақини берасан, шундан сўнг хасталиқдан қутуласан» деган нидони эшитди. Уйғонар-уйғонмас, шошилиб балиқчини қидириб топди. Унга минг дирхам бериб ҳалоллашди. Аллоҳнинг изми билан хасталиқдан қутулди.

Байт:
Мехнат ила ҳал бўладир ҳар мушкул, Кими дил мехнат ила бўлғай ҳосил.

● Ҳар кимнинг ичи болалар ноғораси каби бўш бўлса, унинг беҳуда овози халқ миёнасини, ўзининг эса халқум дарвозасини қиртишлайди.

● Яхши сўз бебаҳо бойлик асоси, камгаплик эса саломатлик сармоясидир.

Сўз айтсанг сен фақат фойдали сўз айт,
Бу билан жой олгин элнинг дилидан. Бўлмас сўзламай жим ўтир, чунки, Инсонга не келса келар тилидан.

● Қадимий Юнон ҳақимларининг айтишларича, кимки беақл ва енгил бўлса, ўйламай сўзлашда дадил бўлади. Бундай кишилар сўзнинг шаҳвор дур эканини ва уни беҳуда сочсиш одам учун пуртур эканини билмайдилар.

● Форс донишмандларидан Барзув ал Ҳаким насиҳатлари. У ёзади:

— Ҳар нарсанинг пайдо бўлиши учун бир сабаб бўлади. Шунинг учун нимаики вужудга келган бўлса, аввало унинг сабабини қидирмоқ лозим. Масалан, яхши ҳаёт кечирининг сабаби муроса, сирининг ошқор бўлмаслигининг сабаби ўзгаларга ёмон ниятда кўз тикмасликда, гина сабаби бадфеълликда, дўстлик сабаби — очик юзликликда, жудолик сабаби — азоб, адоват сабаби — хилофлик, хорлик сабаби — тама, иззат сабаби — қаноат, нажот сабаби — ростлик, улуглик сабаби — тавозе.



Дунёда бола кулгисидан-да, бола шодлигидан-да шодонлик йўқ дунёда. Бола кулса олам кулади. Кунларимиз ҳамisha қувнок ва бола шодлигига бой ўтсин.



Наталья Семёнова олган сурат.

Майлига, ҳаммаси ўтказчи дунё, Дунёда юрак бер аёл зотида. Аёли умрбод ардоқлай олсин, Ўзлатдек сабот бер эркак зотида.

Тонг отарда Гулининг кўзи ёриди. Туни билан тўлғоқ азобидан ҳоли қолмаган Гули қақалоқ йиғисидан сергак тортиб, «шукр» деб пиқирлади. Доялар болани ўраб, чирмаб, онага кўрсатиб, «ўғиллик бўлдинг, айланай» — деб кўшни хонага олиб чиқиб кетдилар.

Тўнғич фарзанд, Гули она бўлди. Қандай бахт, у шодлигини яшира олмай, тўлғоқ тутиб, азоб чекаётган ўзи тенги аёлга далда бериб:

— Озроқ чиданг, тезда ўтиб кетади. Мен ҳам кийналган эдим, ўғиллик бўлдим.

— Илоҳим сизнинг йўлингизни берсин, оҳ қанчалик оғир-а,— дейди тўлғоқдан азоб чекаётган аёл титраб.

Гулини палатага олиб чиқилди. Бир оздан сўнг қақалоқларни оналарига эмизтиш учун олиб келишди. Гулининг сабри чидамай, азиз жигар ўшасини кутяпти. Негадир унинг ўғилчасини олиб келишмади. Ҳамширалар ҳам кўринмай қолишди. Турай деса дармонни йўқ, йўлақдан ўтиб кетаётган ҳамширага:

— Опажон, менинг қақалогимни қачон олиб келишадилар? Айтинг уларга, — деди хавотир билан.

— Ҳозир, — деди-ю ҳамшира ҳам жим бўлиб кетди. Гули қаравотни ушлаб, оҳиста йўлак томонга юрди. Шифокор кўриб қолди:

— Сиз ётинг, турманг! Ҳали сизга туриш мумкин эмас, — деб уни сўяб ётқизиб қўйди. Ҳамшира эмиб бўлган қақалоқларни биринкетин хонадан олиб чиқа бошлади.

— Менинг қақалогим қани? — сўради Гули ҳамширадан.

— Уни бироз мазаси бўлмапти. У ерда унга сўт беряпти, хавотир бўлманг, — деди.

Бор дунёси қоронғу бўлиб кетган Гули пиқиллаб йиғлаб бошлади. Шифокор кириб, уни овутиди. Бир ҳафта мобайнида Гули қақалоқини кўришга муассар бўлмади. Сабабини суриштиришди. Бола туғма нуқсон билан туғил-

ган экан. Унга алоҳида парварош керак, — деди шифокор.

Хуллас, она-болани уйга жўнатиш вақтида туғруқхонада кўнглисизлик бўлди.

Шифокорлар боланинг отасини чақириб: — Ўғлингиз ногирон туғилди, — деганларини у асабийлашиб, ногирон болани олиб кетишга ора қилман, у шу ерда қолсин, ўзларингиз нима қилсангиз-қилаверинглар, — дедди.

Гули бу гаплардан бебаҳар кетишга тайёрланиб, қақалоқни олиб чиқишларини интизорлик билан кутиб турганида эри кириб:

— Нима қилиб турибсан, юр, — деб жерқди. Гули ҳайрон бўлиб:

— Боламни олиб чиқишгани йўқ-ку, — деди.

Ширини горраҳаларида

БЎЗЛАМАТИН, БОЛАЖОН

— Қанақа бола, мажруҳ бола туғибсан-ку! — Вой ким айтди сизга, болани юзини кўрган-нимда бинойи эди-ку, фақат нимжон дейишганди.

— Ҳа, ҳа, нимжон, чўлқоқ, мажруҳ, — деди зарда билан Одил.

— Мен ҳозир уни кўраман, бу гаплар ёлғон! — деди йиғлаб Гули.

— Ҳа, балки алмаштириб қўйишгандир... — Нега ундай дейсиз? — дея Гули шифокорлар хонасига отилиб кирди.

— Боламни очиб кўрсатинглар, кўраман, нега менга айтмадинглар! — деб зорланди.

— Сизни ҳажжонланттириш мумкин эмасди, синглим, тақдир, қисмат экан-да, деб уни бағрига босиб юпатди.

— Майли олиб кетаман, бу менинг болам, — деб қақалоқни бағрига босди йиғламсираб Гули.

— Кўй болани, юр, — дўқ урди эри.

— Йўқ, боламни олмай кетмайман!

Ташқарида гулдасталар билан қутиб турган Гулининг онаси, опа-сингиллари бу ҳолатдан бебаҳар эдилар. Шу пайт Одил жаҳл билан отилиб чиқди-ю, машинасига ўтириб кетди. Ҳайрон бўлган она ичкарига кирди. Гули уввос солиб йиғларди. Шифокор онага бор гапни айтди.

Уйга келишганда кўни-қўшнилар уларни бу аҳволда кўриб, ажабланишди.

— Вой нима гап, нега ўз уйига бормадилар? — деган пиқир-пиқирлар бошланди.

Ҳаётда инсоннинг оғир кунда ярасини янгилашдан ортиқ ғуноҳ бўлмас керак! Болага Ҳаётжон деб исм қўйилди.

Ой-кунлар ўтаверди. Уғилчасига парвона бўлиб Гули ҳам тақдирга тан бергандай бўлди. Одил бир марта бўлса ҳам келмади.

Ҳаётжон олти ёшга тўлди. Гули ғам-алам, ҳўрлиқдан хасталаниб қолди. Йиғлаб, йиғлаб телбаланди. Онаизор кизига қараб бир қўйинди, Ҳаётжонга қараб яна эзилди. Йиллар ўтиб Гулини руҳий касалхонага ётқизишди. Ҳаётжон онани кўрмас бетеб бўлиб қолди.

Гулининг онаси оғир аҳволда қолиб, қувенининг тошбағир эканлигидан нолиб, ёрдамга муҳтож болани овутишга уринар, лекин харақатлари бесамар кетар, Ҳаётжон эса, дудуқ-латиб:

— Ойижон, ойижон, теллинг-телинг! — деб бўзларди.

— Бўзлама болам, бўзлама, бу кунлар ҳам ўтиб кетар, — деб келажакка, мунаввар кунлар келишига умид боғларди буви.

— Болани етимиҳонага беринг, — дегувчилар ҳам топилиди. Лекин бу гаплар она учун ортиқча эди. Уни бағрига босиб, у билан овунар эди.

Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА, ўқитувчи

Маҳалла

ХАЙРАНИ ИШЛАРГА БОШ БЎЛАЙЛИК

Кундан кунга чирой очаётган пойтахтимизда юз бераётган ҳар бир янгилик, бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилашга қаратилган хайрли ишлардан кўнгли яйрайди. Шу юрт фарзанди бўлган-лигиндан фахрланиб кетасан. Янада яхшироқ ишлагинг, эзгу ишлар бошида тургинг, одамларни имкон борича қўллаб-қувватлаб, оғирини енгил қилгинг келади, — дейди Собир Раҳимов туманидаги «Нихол» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Зуҳра Азимжўжаева.

— Маҳалламизнинг ташкил этилганига атиги икки йил бўлди. Лекин гап унинг қачон ташкил этилганида эмас, муҳими маҳалла аҳли билан олиб борилаётган ишларимизда, ҳудудимиз ободлиги, фуқароларнинг тинчлик-тотувликда яшашлари, меҳнат қилишлари йўлидаги изланиш ва интилишдадир. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Убайдуллаев, хотин-қизлар комиссияси раиси Малика Рихсиева, посьонлар сардори, профилактика инспекторлари ва фаоллар бошчилигида 3.200 аҳоли, 500 оила истиқомат қиладиган ушбу сўлим гўшада кадр-қиммат, ёрдамга муҳтож, ногирон инсонларга моддий ва маънавий кўмак бериш, ётиб

қолган беморларнинг уйларига бориб йўқлаш, ўсиб келаётган ёшларга бочадан бошлаб яхши тарбия бериш каби масалалар ўз ечимини топган. Ҳар бир хайрли ва эзгу тадбирнинг жонкуяр, фаол ижрочилари, ҳомийлари бор.

Куни кеча бўлиб, ўтган шаҳар Кенгаши сессиясидаги Юртбошимиз маърузалари, ўйламан-ки шу юрт фуқароси бўлган ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмади. Ютуқларимиздан фахрланиб, камчилиқ ва муаммолардан қунониб фикр юритган Давлатимиз раҳбари халқимизнинг юрагиди гапларни айтдилар. Биз маҳалла гузариди йиғилди Президентимизнинг маърузаларини диққат билан ўқиб чиқдик, фикр ал-

масдик, бундан кейин қилинадиган ишларимизни режаллаб олдик. Бизга айниқса маърузадаги маҳаллалар ҳақидаги фикрлари жуда қаттиқ таъсир қилди. Ҳар бир қилаётган ишимиздан, ўтказиётган хайрли тадбир учрашувлардан, аёлларимизнинг фаоллиги, ҳуқуқий саводхонлигини кўтариш йўлидаги харақатларимиздан Юртбошимизнинг мамнун эканликлари кўнгилиларимизни кўтариб, янада яхшироқ ишлашга янги-янги ибратли юмушларга кўл уришга чақирди.

Президентимизнинг маърузадаги: — «Мухтасар қилиб айтганда, юртимизнинг бош шаҳри бўлиш Тошкент, мамлакатимизнинг худдики уриб турган юраги ва шу ердан туриб бутун Ўзбекистонимизнинг томир уришини аққол сезиш мумкин» деган сўзларидан ҳам биримиз ўзимизга хулоса чиқариб, пойтахтимиз республикамизнинг юраги экан, Ўзбекистондек муқаддас ва жаннатмакон юртда яшаётган каттаю кичик мана шу миттигина, лекин жуда қудратли жонинг беаҳо, равон ва текис уришга ўз ҳиссасини қўйиши керак. «Шу юрт бизники, шу остона фақат ўзимизники» деб қарашга ўрганиш вақти алақадан етиб келди деган фикрга келдик. Бир-биримизга озгина эътиборли, меҳр-муҳаббатли бўлайлик, Президентимизнинг ёнлариди туриб фарзандларимизга овоз ва обод Ватан қолдирайлик.

Азиза МУҲАМЕДОВА ёзиб олди.

Бү-қизик

МУЗ ҚАНДАЙ ТУЗИЛГАН?

Сув молекулалари ажойиб тузилиши туфайли муз бўлагида ўзаро шундай бирикканки, уларнинг ҳар бири бошқа тўртта молекула билан боғланган ва қуршаб олинган. Бу эса муз структурасининг жуда мўрт бўлишига олиб келади. Оқибатда кўп бўш жой қолади. Музнинг тўғри кристалл тузилиши учкунларининг киши ақлининг лол қолдирадиган даражада гўзаллигида, дераза ойналарини қоплайдиган муз безагида ўз аксини топади.

ҚОР УЧҚУНИ

У атмосферанинг жуда паст ҳароратли юқори қатламларида сув бугларининг қуюқланиши натижасида вужудга келган муз кристалларининг ўсимтасидир.

ГАЗСИМОН ХОЛАТИ НЕЧА ХИЛ?

Фақат битта — у ҳам бўлса буғ ҳолатидир. Бугунинг ўзи ҳам биттами? Албатта йўқ. Сув неча хил бўлса, сув буглари ҳам шунчадир.

КУРУҒИ ҲАМ БЎЛАДИ

Сувнинг қуруғи ҳам олимлар томонидан тайёроллашга муваффақ бўлинган. Гап шундаки, улар оддий сувга бир қанча намланмайдиган кремний кислотанинг майда кўкунини аралаштиришди. Бунда сув дарҳол қуруқ ва сочилувчан бўлиб қолади. Уни сепиш, халталчаларда ташиш мумкин, ҳатто ушлаб кўрганда ҳам намлик сезилмайди, у қуруқ ва совуқдир.

РАДИОАКТИВ СУВ

Физиклар атом реакторларида сунъий йўсинда трийтийли сув ҳосил қилишни ўрганиб олишди. Радиоактивлигининг кучлилиги туфайли бу сув жуда хавфли ҳисобланади. Бундай модда ҳозирча олимларгагина керак.

ҒАЙОБИЙ МОДДА

Бирон кишига "сув нима?" деган савол билан мурожаат қилсангиз у унга фақат эриш туюлибгина қолмай, балки бир мунча назоратсиз ҳам сезилади. Ахир тўғри-да, сувнинг нималигини ким билмайди, дейсиз. Сув водород билан кислороднинг бирикмаси эканлиги ҳаммага беш қўлдек аён. Аммо чуқурроқ ўйлаб кўрилса бу ғаройиб модданинг ўзига хос томонлари, эътиборга молик жиҳатлари талайгина.

Ғоққаро муҳофазаси

ЧЎМИЛИШ КЎНГИЛСИЗЛИККА ОЛИБ КЕЛМАСИН

Ёз фаслининг ўзига хос гаши, таровати бор. Айниқса, бу мавсумни олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, коллеж ҳамда мактаб ўқувчилари орзиқиб кутишади. Аксарият ишчи-хизматчилар эса кўпинча меҳнат таътилини ёзда ўтказишга ҳаракат қиладилар. Табиийки, кунлар исини билан каналлар, очиқ сув ҳавзалари, анҳор ва кўлларда чўмилишга эҳтиёж сезадилар, ҳордик чиқариш мақсадида салқинроқ жой излаб, саёхатга отланадилар. Дам олиш масканлари, чўмилиш ҳавзалари айниқса, ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари янада гавжум бўлади.

Зеро, фусункор табиат бағрида чигални ёзиб, чарчокни унутиб, асабларни тинчлантириб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганга нима етсин! Бундай пайтда оқар сувга чўмилиб олиш қандай завқли. Бироқ айрим ҳолларда чўмилиш ҳодисалари кўнгилисизлик билан тугаётганлиги ачинарлидир. Бунинг асосий сабаблари баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик, спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда сувга шўнғиш ва бошқа омиллардир. Умуман чўмилётганда жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Чунки сув остида турли шиша синиқлари, очиб ташланган консерва идишлари, металл ва бошқа қаттиқ jismlар ҳам бўлиши мумкин. Йўқса, танангизнинг бирор жойи лат еб, жароҳат олиши ҳеч гап эмас.

Умумий таҳлилларга қараганда сувда чўкиб нобуд бўлиш ҳодисаларига чўмилиш хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг катталар томонидан назоратсиз қолиши, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера билмаслик, яъни кутқарув усулларидан бебахарлик каби қатор ҳолатлар сабаб бўлмоқда.

Ачинарли томони шундаки, айрим ҳолларда бир оиладан икки киши чўкиб ҳалок бўлганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар учраб турибди. Утган йили Тошкент вилоятининг «Чорвоқ» сув омборида бир аёл чўкиб кетаётган боласининг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўзини сувга отади. Лекин афсуски она на боласини, на ўзини кутқариб қола олди.

Хўкуматимиз ғоққарлар хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қанча ишларни амалга ошираётганига қарамадан, бахтсиз тасодифлар учраб турибди. Бундай эҳтиётсизликларнинг юз беришига қўпроқ ўзимиз сабабчи бўлаётганимизни айтиб ўтиш жоиз. Таъкидлаш керакики, чўккан одамларни олиб чиқиш мақсадида вазиригимиз ва унинг вилоятлардаги бошқармалари ҳузурда «Сувда кутқарув» гуруҳлари ташкил этилган. Кутқарув гуруҳининг аксарияти ғаввослик кийимлари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Улар сувга чўкаётганларни кутқариб қолишдан ташқари, биринчи навбатда тез тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўзлаштириб олганлар.

Аввало ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти учун ўзи курашиб, хавфсизлигини таъминламоғи

зарур.

Пойтахт худудидан ўчдан зиёд канал ва ариқлар оқиб ўтади. Айни ёз чилласида уларнинг аксарияти чўмилиувчилар билан гавжум бўлади. Сувда чўкаётганлар ҳаётини сақлаб қолиш учун Тошкент шаҳар ғавқулдода вазиятлар бошқармасига қарашли кутқарувчи-ғаввосларнинг зиммасидаги масъулият янада кучаяди. Ачинарли томони навбатчилик қисмига келаётган баъзи маълумотларга кўра, сувда чўкаётганларнинг аксариятини болалар ташкил этади. Баъзан шундай ҳодисалар ҳам учрайдики, яхши ниятлар билан чўмилиш масканларига оилавий бўлиб чиққанлар орасида ҳам бахтсиз ҳодисалар учраб турибди.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили пойтахтимиз худудидан оқиб ўтувчи ариқ ва каналларда чўкиб кетган 39 нафар кишининг жасадлари олиб чиқилган бўлса, шу йилнинг беш ойи мобайнида бу рақам 28 тани ташкил этгани ачинарлидир, албатта.

Утган йили пойтахтининг Гулханий кўчаси яқинидаги Оқтепа майдон орқали оқиб ўтувчи анҳорга енгил автоулов тушиб кетгани тўғрисида маълумот келган захоти зудлик билан воқеа юз берган жойга етиб келган пойтахт ғавқулдода вазиятлар бошқармаси кутқарувчи-ғаввослари томонидан оқ рангли «Нексия» енгил автоулови қўроққа олиб чиқилди. Машина ичидан икки ғоққарнинг мурдаси топилди. Улар спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда машинага ўтирганлиги аниқланди.

Ҳар бир инсон ўзи ва атрофдагилар учун хавфсизлик чораларини кўрсатинга ўз оиласи ва қариндошларини чуқур қайғуга солиб, ноқулай аҳволда қолмайди. Чунки халқимиз: «Ўт балоси, сув балоси ва бундай ўлимдан Яратганининг ўзи асрасин», деб бежиз айтмаган.

**Азамат СУЙОНОВ
Тошкент шаҳар Ғавқулдода
вазиятлар бошқармаси
матбуот гуруҳи**

Мунажжим башорати

ИЖОДИЙ ТАШАББУСЛАР ОМАД КЕЛТИРАДИ

15 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Бугунги кун, мунажжимлар таъбирича, инсонларга ҳаёт куч-қудрати, муҳаббат ва ижод илҳомлари, ўлмас асарлар яратиш, уларни жонлантириш қобилияти тухфа этиладиган кун. Ижодий ташаббуслар, мангуликка дахлдор кадрятлар кун бу кун. Экинлар парвариши, сафарлар, бошқа жойга кўчиб ўтиш учун ҳам бугунги кун қулай ҳисобланади.

Икки ой сайёрасининг йўналишсиз ҳолатда бўлиши (8.25 дан 16.00 гача) бир мунча тарангликни юзага келтиради. Кўпчилик бу вақтда локайд бўлиб қолади. Хайриятки бу ҳолат кундуз соат 3 гача давом этади. Шундан кейин таранглик бир мунча юмшайди. Бугун ҳеч нарсани режалаштирмаган — бугунги ўйланган нарсаларнинг фақат тескариси бўлиши мумкин.

Бугунги кун жиддий мулоқотлар, янги битимлар, ахборотлар алмашинуви, ақлий ва илмий фаолият учун қулай ҳисобланади. Қайта режалаштириш, уй қуришни ёки таъмири, янги уй қойдеворини тиклаш учун ҳам кун самарали бўлади.

Устингизга қуш патининг тушиши бугун згулик белгиси бўлади. Сизнинг гап-сўзларингиз машаққатлироқ ёки чақмоқ фондида гапирилса бу ҳам яхшиликка. Бу

ҳолат сизнинг ҳақлигингизни билдиради.

Бу кеча кўрилган тушлар, айниқса давомли ва ёрқин тушлар башоратли бўлади. Тушингизда осмон, юлдузлар, момокалдирик, чақмоқ ёки оловни кўриш катта згуликлар белгиси ҳисобланади. Тушингизда ўтмиш сирларини билиб олишингиз ва келажакингизни кўриш имконига эга бўлишингиз мумкин.

Бугун буйрақлар ва сийдик йўллари заифлашган ҳолатда бўлишни эсингизда тутинг. Ҳаммом, саунага бориш фойдали. Кўпроқ суяклик, айниқса мевашарбатлар ва маъданли сувлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Дармонсизликдан азият чекаётган кишилар учун бугун кўпроқ дам олиш, куч-қувват тўплагашга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кийим-кечаклардан ола-була ва ёрқин туслар, айниқса кўк-яшил рангли либослар омадли ҳисобланади. Қора ва жигарранг кийимларингизни жавонгизнинг нариги чеккасига суриб қўйинг.

ЧОРШАНБАДА:

- мунтазамликни талаб қилувчи ишлар билан машғул бўлинг;
- дўконлар оралаб сайр қилиш, бозорга бориш, хилма-хил харидлар қилиш;
- мавший ва ҳўжалик муаммоларини ҳал этиш;
- кузги гуллар ва кечки сабзавотларни экиш;
- уй, омборхона, ертўларини қайта таъмирлаш;
- куч ва имкониятларингизни тўғри тақсимлаш;

— мутахассислар, ҳамкасблар ва тажрибали кишилар маслаҳатларига қулоқ тутиш тавсия этилади.

ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТИНГ

16 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Меркурий ва Юпитер сайёралари энергияларининг ўзаро таъсири одамлардан ўз истак-хоҳишларига эмас, балки вазиятга қараб иш кўришни талаб этади. Жумладан, бошлиқларингиздан норозиликка анча-мунча баҳона-ю сабабларингиз бўлишига қарамай, улар билан "сан-ман"га бориш жоиз эмас. Чунки бундай ҳатти-ҳаракатлар яхши оқибатларга олиб бормайди. Мунажжимлар, шунингдек, бугун сайёраларнинг жойлашишига қараб, сафарлар ва саёхатларга чиқадиган тийилишни маслаҳат беришади.

Бугунги кун хом-хаёллар, алдовлар ва адашишлар кун сифатида ҳам таърифланган. Танандаги ортиқча хилтлардан ҳалос бўлиш билан боғлиқ ҳар қандай муолажалар фойдали ҳисобланади.

Куннинг мураккаблиқларидан қалғиш мақсадида бугун меҳмондўст бўлиш, яқинларингиз ва дўстларингизни дастурхонга тақлиф қилишингиз тавсия этилади. Янги танишлар орттиришингиз, "биги қарашдаги муҳаббат" дардига мубтало бўлишингиз мумкин. Меҳр-муруват кўрсатиш, рўзғор юмушлари билан шуғулланиш,

сартарошхонага, ҳаммомга бориш ҳам бугунги кун учун матбуот тадбирлар ҳисобланади.

Электр нури, чақмоқ ва тонг шафқлари билан боғлиқ аломатлар яхшилик аломатлари ҳисобланади. Лойга ботиб қолиш, майда-чўйда ишларга ўралашиб қолиш, тобеллик, ўз майли ўзида бўлмаслик нохуш ҳолатларга ишорадир. Бу кеча эрта тонг пайти кўриладиган тушлар башоратли бўлади. Улар яқин вақт ичида ўнгингизда содир бўлиши мумкин. Еруғлик, оқлик, тиникликни кўриш — згуликка, қоронғулик, ноаниқлик — нохушлиқларга далолат.

Кийинишда ҳам ёрқин ранглар, оқ, ҳаворанг либослар омад келтирса, кулранг, қора ва хира ранглардан қочганингиз маъқул.

БУГУН:

- ҳар қандай бўлса ҳам бирор ишни бошлаш;
 - бирор қарорга келгунча вазиятни синчиқлаб таҳлил этиш;
 - молиявий ва турар-жой муаммоларини ҳал этиш;
 - кўнгли хираликлар, майда нохушлиқларга эътибор қилмаслик (булар ҳеч қандай изсиз ўтиб кетади);
 - агроном, зоотехник, кишлоқ ҳўжалигининг бошқа мутахассислари билан мулоқотда бўлиш;
 - турли муаммоларни ҳал этишда қалб амрига қулоқ тутиш;
 - ота-оналар, қариндош-уруғлар, кўшичаларга ёрдам қўлини чўзиш тавсия этилади.
- Парҳезини бузиш, айниқса буйрак, ўт пуфағи хасталиқларидан азият чекаётганлар учун парҳезга риоя қилмаслик зарарли ва булардан тийилиш керак бўлади.

ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДУК «СУВСОЗ» ТРЕСТИНИНГ «УЛГУРЖИСУВСАВО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Электр энергия нархининг ошганлигини инobatга олиб, 2005 йил 1 июлдан тижорат ва саноат корхоналари учун тарифларни қайта киритилишини хабар қилади:

сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 70,00 сўм (ҚҚСсиз)

оқвава сув бўйича — 1 м³ учун 50,00 сўм (ҚҚСсиз)

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

газеталари тахририяти
реклама агентларини
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

Спорт

ЖАРОХАТ ПАНД БЕРДИ

Профессионал боксинг WBO йўналишида биринчи ярим ўрта вазнида шу кунгача рақиблирини енгиб муваффақият қозониб келаётган ҳамюртимиз Мухаммадқодир Абдуллаев чемпионлик камари учун амалдаги чемпион Мегел Коттога қарши рингга чиқди.

Айтиш жоизки, ҳамюртимиз биринчи раундданок рингга фақат ғалаба қозониш иштиёқида чиққанлигини исботлади. Кейинги раундларда ҳам устунлик Мухаммадқодир томонида бўлди. Котто эса асосан қарши ҳужумда ҳаракат қилди. Саққизинчи раундда Котто томонидан берилган зарба ҳамюртимизнинг ўнг кўзини ёпиб қўйди. 9-раундда эса Котто томонидан берилган навбатдаги зарбадан сўнг Мухаммадқодир кўзи умуман кўрмай қолганлиги ҳақида ҳақамни оғохлангирди ва учрашув Котто фойдасига тўхтатилди.

ФАХРИЙЛАР ДОНА СУРАДИ

Республика шахмат клубида фахрийлар ўртасида шахмат бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаларига старт берилди.

Республика шахмат федерацияси ташаббуси билан уюштирилган мамлакат биринчилиги мусобақаларида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан келган «ақл гимнастикаси» усталари ўзаро беллашишмоқда. Швейцарча усулда ташкил этилган баҳсларнинг иккинчи турида рақиблирини енга олган Каримов, Бекировлар икки имкониятдан икки очко жамғарган ҳолда пешқадам бўлиб туришибди. Макаров, Қаюмов, Логинов ва Федюшинлар ҳисобида эса ҳозирча 1,5 очко бор. Фахрийлар ўртасидаги ушбу беллашувлар якунида ким чемпион бўлади? Буни вақт кўрсатади. Мусобақалар давом этмоқда.


(Ўз муҳбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ғаниев Файзулло Ҳаджимуротович номига берилган тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги 012082-сонли гувоҳнома ва 012082-сонли Импорт операциялари субъектини ҳисобга олиш картаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 28 июнь 2003 йилда Маматов Дилшод Абдусамиевич номига берилган В № 127386 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Олимпия югуриш кўни дунёдаги энг оммавий спорт тадбирларидан ҳисобланади. Бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамларни бирлаштирган мазкур сийҳат-саломатлик, спорт байрами Халқаро Олимпия қўмитасига аъзо 202 мамлакатда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинади. Бундан асосий мақсад — аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, кишилар онгига олимпизм гоғларини сингдиришдан иборат.

Олимпия югуриш кўни Пьер Де Кубертен томонидан Халқаро Олимпия қўмитаси тузилганлиги бағишлаб илк маротаба 1987 йили ўтказилган эди.



ОЛИМПИА ЮГУРИШ КЎНИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТДИ

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Енгил атлетика федерацияси билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Олимпия югуриш кўнини ўтказди.

Шундан буён ҳар йили унда жажжи болакайлардан нуруний кексаларгача иштирок этади.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Олимпия югуриш кўнини 1992 йилдан буён мунтазам ўтказиб келади. Юртимизда давлатимиз раҳбари Исло Каримовнинг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга бераётган алоҳида эътибори самараси ўлароқ, оммавий спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этилмоқда. Олимпия ҳаракатининг ажралмас қисми ҳисобланган Олимпия югуриш кўни мусобақаларида ҳам қатнашаётганларнинг сони йилдан-йилга ортмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Спорт йили» деб эълон

қилинган 2005 йилда ўтган бу галги мусобақалар Ўзбекистонда Сийҳат-саломатлик йилга бағишланди. Олимпия югуриш кўнининг саралаш босқичида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ўттиз мингдан зиёд киши қатнашди. Уларнинг минг нафарга яқини пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ташкил этилган финал босқичида ўзаро куч синашди. Аянага кўра, иштирокчилар 1610 метр ҳамда 805 метр масофага югурди.

Мусобақа гоғлиб ва совёриндорлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА шарҳловчиси

Сўқибол

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

ЎТГАН КЎНИ «Трактор» — «Пахтакор» жамоалари ўртасидаги учрашув билан мамлакат XIV миллий чемпионати 9-тур беллашувларига якун ясалди.

Айтиш жоизки, пойтахт жамоалари «Трактор» ҳамда «Пахтакор» ўртасидаги учрашувлар доимо кескин, муросасиз ва шиддатли курашларга бой кечган. Аслида «Трактор» олий лигада кўпгина номдор жамоалар учун «нокулай» рақиб ҳисобланади. Шу боис ҳар бир жамоа «Трактор» билан ўтказиладиган баҳсга доимо жиддий ҳозирлик кўради.

Мутахассислару мухлислар «Трактор» — «Пахтакор» учрашуви анча қизиқарли кечади, дея таҳмин қилишганди. Бирок, аввалги турлардан бирида «Насаф»га сафардан имкониятни бой берган мамлакатимизнинг етакчи жамоаси футболчилари йўл қўйилган ҳато ҳамда камчиликлардан етарли ҳулоса чиқарган шеклилли, учрашувда тўлиқ устунлиқни қўлга киритишди. Кетма-кет рақибни дарвозасига уюштирилаётган ҳужумлар самара бериб 90 дақиқа мобайнида мезбонлар дарвозабонини тўрт марта ҳато қилишга мажбур эта олишди. «Трактор»чилар эса «пахтакор»чилар томонидан киритилган тўртта голга битта тўп билан жавоб беришди ҳолос. Тўпларни «Трактор»дан Соломин, «Пахтакор»дан Солиев (3та), Кошелевлар йўллашди.

Навбатдаги 10-тур беллашувлари 18 июнда бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

«02»: ҲОДИСАЛАР

• Сергели туманида номаълум шахс, Сергели 2-1 уй олдиди, Сергели 4-12 да яшовчи Дмитрийни лезвие билан қўриқтиб, қўл соати, эгнидаги футболкаси ва оёқ кийимларини ечиб олиб, қочиб кетган. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, тезкор ходимлар томонидан, 1981 йилда туғилган, ишламайдиган, судланган, Сергели 8-3 да яшовчи Собир далилий ашё билан ушланди.

• Собир Раҳимов туманида номаълум шахс, Қорақамиш 1/2 мавзёсидаги 53-сонли шиофхона биносиди олдиди, уй бекаси, Қорақамиш 1/4 да яшовчи Далмираннинг бўйнидаги 150000 сўмлик сарик металлдан ясалган занжирини юлиб олиб, қочиб кетаётган вақтида, ўша ерда хизмат олиб бораётган, профилактика нозирни Мустафоев, Пост патруль-хизмати ходимлари Садибеков, Хусановлар томонидан, 1979 йилда туғилган Қорақамиш 2/4 да яшовчи Гавҳар ушланди.

Ҳозир у Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 221-моддасига асосан ИИББ вақтинча ушлаб туриш муассасаси

сида сақланмоқда.

• Миробод туманида илгари ушланган, Муқимий кўчасида яшовчи Андрей билан тергов жараёнида аниқланишича у девордан ошиб тушиш йўли билан, Мироншоҳ кўчаси 136-уйда яшовчи Михаилнинг ҳовлисида 120000 сўмлик «Газсус» сотиш учун мўлжалланган латундан ясалган мосламаларни ўғирлаб кетган.

• Мирзо Улуғбек туманида дераза панжарасини бузиш йўли билан, Қорасув 1-21 да яшовчи Игорнинг уйидан 1200000 сўмлик «Панасоник» видеокамераси, 400000 сўмлик «Нокия» уяли телефон аппарати ва 800000 сўмлик ҳар хил сарик металлдан ясалган тақинчоқларни ўғирлаб кетишган. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан Навоий вилояти, Хатирчи тумани, А.Ёрлоков жамоа хўжалигида яшовчи Акмал, Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Охунбобоев жамоа хўжалигида яшовчи Исроил ва Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Охунбобоев жамоа хўжалигида яшовчи Аброрлар далилий ашё билан ушланди.

• Мирзо Улуғбек туманидаги Х.Абдуллаев кўчасида жойлашган «Бек» кафе-си олдиди, тезкор ходимлар томонидан ўтказилаётган «Қорадори-2005» махсус тадбири жараёнида, М.Риёзий кўчасида яшовчи Артур Қодиров кўчасида яшовчи Махмудга маълум миқдордаги «героин» моддасини 15000 сўмга сотаётган вақтида ушланди.

• Мирзо Улуғбек туман прокуратурасидан тушган хабарга кўра, 2004 йилнинг октябр ойида Х.Абдуллаев кўчасидаги 49-уй олдиди, С.Машаҳидий кўчасида яшовчи Фаттоҳ таниши, Фарғона йўли кўчаси 23-уй, 29-хонадонда яшовчи Аркадийга «танишингни озодликка чиқаришга ёрдам бераман» деб, алдаб, 1000 АҚШ долларини олиб, қайтариб бераман.

• Шайхонтоҳур туманида 2002 йилнинг декабрь ойида Бог кўчасида яшовчи Зоир уй бекаси, Чилонзор 8-6-б» уйда яшовчи Ақидани «сотиб бераман» деб алдаб 852000 сўмлик 9 хилдаги сарик металлдан ясалган тақинчоқларини олиб, қайтариб бераман» Юқоридаги ҳолатлар бўйича ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Дилбар ЁДГОРОВА, ИИББ матбуот маркази жамоатчи мухбири.



Бош муҳаррир Ақмал АКРОМОВ

Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган. 3684 нусxada босилди. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бонқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрин етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланилди.

«Шар» нашриёт-матбос акцидорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.